

ЧИННАППА БҲАРАТИ АСАРЛАРИНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7502585>

Мактуба Махаматжоновна Муртазаходжаева

Жанубий ва жануби-шарқий Осиё тиллари кафедраси катта ўқитувчиси,
Тошкент давлат шарқшунослик университети, Тошкент, +998935774070,
said_lola@mail.ru

Аннотация. *Ҳиндистон – кўп тиллик, кўп элатли мамлакат. Шу боисдан унинг адабий мероси бой ва серқиррадир. Ҳиндистонда мавжуд расмий тилларнинг ҳаммаси ўз адабиётига эга бўлиш бирга кўҳна тарихга ҳам эга. Ҳар бир тил адабиёти каби Ҳиндистон халқлари адабиёти ҳам бир қатор даврларни бошдан кечириб шаклланиб келган. Ушбу мақолада замонавий тамил адабиётининг вакили Чиннаппа Бҳарати ижоди, унинг асарларининг таржималари, шунингдек, мақолада адиб услубининг ўзига хос қирралари, кўтарилган мавзулар хусусида сўз боради.*

Калит сўзлар: *тамил романчилиги, ҳаётий тажриба, реализм, таржималар, ўхшатишлар, кўтарилган мавзулар.*

Аннотация. *Индия – многоязычная, многонациональная страна. Именно поэтому его литературное наследие богато и красочно. Все официальные языки Индии имеют долгую историю существования собственной литературы. Как и литература любого языка, литература индийских народов формировалась через ряд периодов. В данной статье рассматривается творчество представителя современной тамильской литературы Чиннаппа Бхарати, переводы его произведений, а также особенности стиля писателя, затронутые темы.*

Ключевые слова: *тамильская проза, жизненный опыт, реализм, переводы, метафоры, затронутые темы.*

Abstract. *India is a multilingual, multiethnic country. That is why his literary heritage is rich and colorful. All of the official languages of India have a long history of having their own literature. Like the literature of any language, the literature of the Indian peoples was formed through a series of periods. This article discusses the work of the representative of modern Tamil literature Chinnappa Bharati, translations of his works, as well as the features of the writer's style, the topics covered.*

Keywords: *Tamil prose, life experience, realism, translations, metaphors, topics covered*

Бадиий адабиёт халқнинг маънавий бойлиги бўлиб, инсонга маънавий- руҳий озуқа бера оладиган хазинадир. Юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг миллий кадриятларимиз тикланиши билан ҳукуматимиз хорижий тилларни, жумладан, шарқ халқлари тиллари ва адабиётини ўрганишга кенг йўл очиб бермоқда. “Ўзбекистон мустақиллигининг фазилатлари бисёр. Шулардан бири сифатида жаҳон халқлари тилларини билувчи таржимонларнинг сони ортиб бораётганини айтиш мумкин. Энди ўзбек китобхони жаҳон халқлари адабиёти билан асл (она) тилидан ўгирилган таржима орқали танишиш имкониятига эга бўляпти: бадиий тўқислиги, нозик томонлари билан китобхонга етиб келишига шароит туғилди” [1, 121]

Ҳиндистон халқлари, хусусан ҳиндий, урду ва панжоб адабиётлари мамлакатимизда ярим асрдан бери илмий жиҳатдан ўрганилиб келинаётган бўлса-да, таъкидлаш жоизки, жанубий Ҳиндистон халқлари адабиётларидан бири бўлган тамил адабиётини ўрганиш ўзбек ҳиндшунослигида янги йўналишдир.

Ҳиндистоннинг жанубида яшовчи тамиллар ўз тили ва бой адабий меросига эга. Тамил адабиётини бир неча босқичларга ва турларга бўлиш мумкин. Тамил романчилиги XIX аср охири ва XX аср бошларида шаклланган бўлиб, XX аср тамил ва ҳиндий романчилигида Чиннаппа Бҳаратининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Чиннаппа Бҳарати 1935 йил Намаккал шаҳрида ўртаҳол деҳқон оиласида таваллуд топган. Чиннаппа Бҳарати ўз ижодини назмдан бошлаган. Унинг 2 та шеърий тўплами 1954 йилда чоп этилган. Чиннаппа Бҳарати қаламига мансуб ягона ҳикоялар тўплами ҳам 1954 йилда чоп этилган. Чиннаппа Бҳарати сиёсий курашчи, реалистик ёзувчи бўлиш билан бирга бир неча йил тамил тилидаги “Чемблр” журналининг бош муҳаррири бўлиб ишлаган. Адиб ижодининг асосини унинг романлари ташкил этади. Чиннаппа Бҳаратининг илк романи “Чанқов” (“Даҳм”) 1976 йилда нашр этилган ва бу роман унга машҳурлик келтирди. 1985 йилда “Иттифоқ” (“Сангам”), 1991 йилда “Шакар” (“Саркара”), 2005 йилда “Павлайи” ва 2006 йилда “Кончилар” (“Сурангал”) каби романлари чоп этилган. “Иттифоқ” романи учун 1985 йилда Давлат мукофотиغا

сазovor бўлган, “Чанқов” романи энг яхши ўнталик романлар сарасига киритилган. 2009 йилнинг “Энг забардаст романист-ёзувчиси” мукофотиغا сазovor бўлган. Бундан ташқари Тамилнаду штатининг Намаккал шаҳрида адабиёт соҳасида катта ютуқларга эришган илмий тадқиқотчилар, адиблар, ижодкорлар ва таржимонларга ҳар йили 2 октябрда Чиннаппа Бҳарати номидаги мукофот тақдим этилади. Чиннаппа Бҳарати номидаги мукофотнинг тақдим этилиши адиб ижоди ва фаолиятининг тамил адабиётида ўзига хос аҳамияти ҳамда ўрни мавжудлигини кўрсатади.

Чиннаппа Бҳарати ўз замондошлари орасида бадиий ижодда ўз қоида ва услубларига эга бўлган ёзувчи сифатида ажралиб туради. Ёзувчи яратмоқчи бўлган асарининг сюжети ҳаётдан излаш билан бир қаторда, танлаган сюжетиға хос воқеалар ичида, аввал ўзи шахсан яшаб, шахсий тажрибаси асосида асар ёзади, шу боис Чиннаппа Бҳарати қаламиға мансуб асарларда ҳаққонийлик, реаллик ва изчиллик кучли намоён бўлади. Жумладан, “Иттифоқ” романини ёзиш учун Чиннаппа Бҳарати Колли тепалигида яшовчи қабилалар билан бирга бир чодирда яшайди. Уларнинг оғир ҳаёти ва уларға нисбатан қилинаётган адолатсизликни ўз романида тилға олади. “Кончилар” романини дунёға келиш тарихи ноанъанавийдир. Чиннаппа Бҳаратининг Ғарбий Бенгалияға ташрифини эшитган кончилар уни ўзлари ишлаётган конға оғир ва машаққатли меҳнатларини гувоҳи бўлишға таклиф этадилар. Чиннаппа Бҳарати улар билан кўмир конида ишлайди, бир чодир остида яшайди ва ўзининг машҳур романини ёзади. У тамил реализм мактабининг асосчиси Субраманья Баради мактабининг давомчиси сифатида ижод қилган. Субраманья Барадини ўз устози деб билади.

Бугунги кунда Чиннаппа Бҳарати қаламиға мансуб кўпгина романларнинг ҳиндий тилиға таржима қилиш ишлари жонланган бўлиб, адиб асарларини ҳиндий тилиға таржима қилиш ва нашр этиш билан шуғулланувчи махсус гуруҳ ҳам ташкил этилган. Бундан ташқари Чиннаппа Бҳаратининг романлари бенгал, маратҳий, малаялам, гужратий, телугу, каннара, шунингдек, дунёнинг бошқа тилларига (жами 13 та тилға) ҳам таржима қилинган. Унинг таржима қилинган романларини қуйидаги мисолларда кўриш мумкин:

Тиллар	Таржима қилинган романлар
инглиз	“Чанқов”, “Иттифоқ”, “Шакар”, “Павлайи” “Аждодлар”
Ҳиндий	“Кончилар”, “Чанқов”, “Иттифоқ”, “Шакар”, “Павлайи” “Аждодлар”
Бенгал	“Чанқов”, “Иттифоқ”, “Шакар”, “Кончилар”
Телугу	“Чанқов”, “Иттифоқ”, “Шакар”, “Кончилар”
Малаялам	“Чанқов”, “Иттифоқ”, “Шакар”, “Кончилар”
гужаратий	“Шакар”, “Павлайи”, “Кончилар”
Каннара	“Иттифоқ”, “Шакар”
Маратҳий	“Иттифоқ”, “Шакар”

Юқорида жадвалдан кўриниб турибдики, Чиннаппа Бҳарати романлари Ҳиндистоннинг аксарият тилларига таржима қилинган. Адибнинг романлари дунёнинг бошқа тиллари, жумладан, хитой, француз, немис, сингҳали тилларига ҳам таржима қилинган. Ўзбек китобхони ҳам Чиннаппа Бҳаратининг “Павлайи” романи билан “Жаҳон адабиёти” журнали орқали танишишга муваффақ бўлди.

Чиннаппа Бҳаратини ўзига нисбатан талабчан ижодкор дейиш мумкин. Буни куйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин. “Ижод қилиш мен учун пул ёки шон-шуҳрат қозониш воситаси эмас. Мен асарларим орқали қашшоқлик, очлик, ишсизлик, тенгсизликка қарши кураш олиб боришда жамиятнинг қуйи қатламлари вакилларига ёрдам беришини истайман. Агар мен шу йўл билан фаровон ҳаёт кечириш учун кимгадир ёрдам бера олсам, ўзимни бахтиёр ҳисоблайман. Қисқаси, менинг асарим ҳар хил тенгсизликларни бартараф этиш учун курашда ўз ролини бажариши керак, бу менинг истагим” [5,48]

Дарҳақиқат, Чиннаппа Бҳарати ўз калами орқали ҳинд ажмиятидаги тенгсизликка, зулмга, адолатсизликка қарши кураша олган адиб эди. У ўзига хос услубда, халқчил тилда ижод қиларди. Унинг романларининг тили содда ва равондир. Адибнинг бир қатор романлари билан танишиш, “Павлайи” романини таржима қилиш жараёнида шунга амин бўлдимки, муаллиф кичик ўхшатиш орқали

катта муаммоларни чертиб ўтганлигини, содда жумлалар ортига жамиятдаги чигал муаммоларни яширганлигини кўриш мумкин: “...Дала ишлари ҳам жонига тегди. Хотини ёнида бўлганида, у ишлаб чарчамасди ёки вақт ўтганини сезмасди. Уйга қайтса, уй ютаман дейди. Нимага қўл теккизмасин, унда хотинининг тафтини сезар, қаерга қарамасин, унинг қиёфаси кўринарди. Айрилиқ азобида у турмушни тушуниб, унинг қадрига ета бошлади. Ўзини-ўзи алдаб, шартта ишга енг шимариб киришиб кетишни хоҳлар эди. Бироқ қайёқда дейсиз? Муҳаббат овқат сарқити бўлган япроқ ликобмидики, ташлаб юборилса?” [2,93] “...Айтишларича, ҳақиқат кавушини кийиб чиққунча, ёлгон дунёни бир айланиб чиқаркан. Озгина ҳақиқат оғиздан чиқиши биланоқ одамларнинг оғзидан нуфакчаларга айланиб, ёрилиб кетаркан...” [2,53]

Ҳинд адабиётшунослари Чиннаппа Бҳаратининг ижоди, ўзига хос услуби, тасвирлаш маҳоратига баҳо берганларида уни ҳиндий адабиёти вакиллари Яшпал ва Премчандга қиёслайдилар. “...Чиннаппа Бҳарати билан тенглаша оладиган адиб йўқми? деган савол туғилиши табиий. Узоқ изланишларимиздан сўнг ҳинд адабиётининг кўзга кўринган намояндаси Камлешвардан сўрадик. Камлешвар Чиннаппа Бҳаратининг “Павлайи” романига тақриз ёзар экан, тақризининг аввалида қуйидаги жумлани келтиради: “Чиннаппа Бҳаратининг Ҳиндистон қишлоқлари, оғир меҳнатдан қочмайдиган деҳқонлар ва қора ишчилар ҳаёти тасвирланган ҳикоялари ҳақиқатга шундай яқинки, бундай тасвирларни фақат Премчанд ва Яшпал ижодидагина кўрганман...” [5,15]

Чиннаппа Бҳаратининг назм ва насрда яратилган асарлари хусусида сўз борганда, унинг серқирра ижод эгаси эканлигини таъкидлаш мумкин. Ёзувчининг “Кончилар”, “Чанқов”, “Иттифок” романларининг асосий ғоясини ижтимоий-сиёсий кураш, қишлоқдаги оғир ҳаёт, синфий тафовутлар, феодализмнинг адолатсизлиги, ишчиларга бўлган ноҳақ муносабатлар ташкил этса, “Шакар”, “Павлайи” романларида гендер масаласи ҳам кўтарилади. Адибнинг ушбу романлари орқали жамиятда аёллар ҳам овозга эга эканлигини, қизларни турмушга бериш арафасида уларнинг истак-хоҳишларини ҳам эътиборга олиш зарурлигини илгари суради. Ҳинд жамиятида

аёллар масаласида учраб турадиган айрим чиркин урф-одатларни, қарашларни кескин қоралайди.

2022 йилда тамил адабиётида катта йўқотиш бўлди. Тиниб-тинчимас ҳақиқатпарвар ижодкор Чиннаппа Бхарати жорий йилнинг 13 июнида вафот этди.

Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)

1. А.Ғофуров. «Бадийлик - безавол янгилик» Тошкент-«Шарқ»-2007й.
2. “Jahon adabiyoti”, Toshkent, 2015 yil, №1-2
3. Chinnappa Bharathi’s novels. A critical study. Chennai, 1996 Madras
4. Бычихина Л. В., Дубянский А.М.. «Тамильская литература». Москва, 1987г.
5. सन्वेद.चिन्नप्पा भारती.वर्ग के जुझारू साहित्यकार. नयी दिल्ली. अप्रेल, 2009